



Ўзбекистон адабиёти ва санъати

ЎЗБЕК ИСТИҚЛАР ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА • 1956-йил 4-январдан чиқа бoshлаган • 2004-йил, 16-июль • № 28 (3754)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Р.Қосимжоновни АмирТемур ордени
билан мукофотлаш тўғрисида



Шахмат бўйича 2004 йил жаҳон биринчилигида голибликни қўлга киритиб, халқимизга хос юксак интеллектуал салоҳият, мардлик ва жасорат намунасини амалда намойён этгани, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-этибори ва нуфузини ошириш, унинг шуҳратини бутун дунёга тараннум этишга қўшган улкан хиссаси учун Рустам Қосимжонов Амир Темур ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 14 июль.

ШАХМАТ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВГА

ҚАДРЛИ РУСТАМЖОН!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, мамлакатимиз адабий жамоатчилиги сизни "Шахмат бўйича жаҳон чемпиони" деган шарафли унвон билан қизғин табриқлайди.

Сизнинг Ўзбекистон мустақиллигининг ўн учинчи йилида, ўн учинчи июл куни қўлга киритган, халқимизнинг шонли тарихи саҳифаларига зарҳал билан ёзишга лойиқ бу галабангиз ўзбекистон довуғига довуғ қўшиб, ватандошларимиз кўксини тоғдек юксалтира олувчи улғу бир воқеа бўлди. Адабиёт, санъат, фан, маданият ва инсоний фаолиятнинг бошқа кўндан-кўн соҳаларида ҳайратомуз мўъжизалар яратган ўзбек халқи умумбашарий тафаккурнинг беқиёс мўъжизаси — шахмат майдонида ҳам, ниҳоят, ўзининг нималарга қодирлигини бутун жаҳонга кўз-кўз этиб турибди. Африка қитъасида қўлга киритган бу гала-

бангизини сўз санъатида ўзига хос янги бир кўтба — жаҳон романчилиги тарихида мактаб яратган буюк Абдулла Қодирий жасоратига қийёслаш мумкин, деб ўйлаймиз. Сизнинг бу галабага устоз Қодирийдек ўттиз ёш устиди эмас, йигирма тўрт ёшда эришганингиз янада улканроқ ҳайрат ва таҳсинларга лойиқ иш бўлди. Соҳибқирон Амир Темурдан бошлаб то оддий чўпонига қадар ҳар бир вақили шахматнинг ашаддий ишқибози ва ҳар бири ўзинча шахмат устаси бўлиши ўзбек халқининг, айтиш мумкин, асрий интилишлари ва оруз-армонларини мустақиллигимизнинг ўн учинчи йилида Сиз рўёбга чиқардингиз.

Жаҳоншумул галаба муборак, азиз укажон! Бошингизга қўндирилган шон-шараф тожи кўп йиллар мобайнида ўзбек халқининг ақл-заковати ва фахри-ифтихорига яна бир тимсол бўлиб тураверсин!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

ЗАҒАРИНГ МУБОРАК, ЮРТИМ ЎҒЛОНИ!

СУРУР

Рустам ҚОСИМЖОНОВГА

Буюк боболар-ла фахр этсак агар,
Зинҳор туолмасин бу сийқа сўздек.
Ўзбек кучли бу қун дунёвий зафар,
Ақли-ла лол этди дунёни ўзбек!

Бунёд бўлибди одамзод насли,
Уртада талошди тож, мартаба, ганж...
Теран назар солсанг, ҳаёт ҳам асли
Муқаммал ўйинди бамисли шатранж...

Қураш давом эттай унда ҳар қачон,
Замонлар ҳар қанча бўлмасин янги.
Бироқ барчасидан буюқдир чандон
Тафаккурнинг баҳси, ақллар жанги!

Жаҳон майдонида, не тонг, ўзбек ҳам
Қадри тоғмоқ учун билмайди тиним!
Сенинг жасоратинг эшитгани дам
Дол қаддин тикди у, Рустамжон ним!

Мен ҳам жилмаяман барчага мағрур,
Ҳудди бу довуғни ўзим солгандек!
Ўғлим ҳам қўзимга қўринар бир қур
Ҳар не ишга қодир бўлиб қолгандек!

Гўзалдир чаманлар — нур ичра қалққан,
Мавжланиб офтобнинг шуғулаларидан.
Лекин умидлари юзга балққан
Хур Ватан гўзалдир бари-баридан!

Юртим, дунёга боқ — зафар қудлинг чин,
Сен азал буюқсан, шаҳдинг билмас чек.
Турфа юмушидан бир зум олиб тин,
Мағрур жилмаяди дунёга ўзбек!

Мирпўлат МИРЗО



АБАДИЯТГА ТАТИГУЛИК КҮН

Рустам Қосимжонов деган ном ҳамда 2004 йилнинг 13 июли юртимиз тарихи саҳифаларида дунё турғунча турадиган бўлди. Рустамбек қилган иш мамлакатимиз ва миллатимиз номини, "ЎЗБЕК", "ЎЗБЕК ИСТИҚЛАР" сўзларини миллиардлаб нусхада тарқатиб чиқишдан-да аҳамиятлироқдир.

Рустамбек бундан анча йил олдин гроссмейстерлик унвонига сазовор бўлганда, унинг қачонларидир тождор бўлишини орзулаб, "64 катакли дунё" деган шеъримни унга бағишлаган ва матбуотда эълон қилгандим. Қувончли кунларда шуни газетхонларимиз эътиборига қайта ҳавола этмоқчиман. Шеър аввалги нашрда:

Ун олтига аскар билан

Олмоқчисан жаҳонни —

деган сатрлар била яқунланган эди. Энди бунга қиттай ўзгариш киритишга мажбур бўлаётганимдан беҳад мамнунман.

Қандинчи ур. Рустамдек!

Балли, ҚАҲРАМОН!

64 КАТАКЛИ ДУНЁ

Ўзбек гроссмейстери
Рустам ҚОСИМЖОНОВГА

Қумдонсан!
Қўл остингда —
Ун олтилик хил лашкар.
Ажабоки, бу қўшида
Шоҳ ҳам сенга бир аскар.

Ҳал қиласан битта ўзинг
Қачон қандай юрмоқчи.
Қайта тузоқ қўймоқчи,
Қайда тузоқ бермоқчи.

Масъулликнинг юки звар
Вужудингни ҳар лаҳза.
Бир пиёда ўринсиз гар
Нобуд бўлса, бу — аза.

Бой берсанг гоҳ ўқинма лек,
Лашкар бўлмас бехатар.

Ўзбек ерин дуосин ол,
Келгуси гал куч зафар.

Пирлик қилган бу ер минглаб
Шоир, олим, султonga,
Навоийга, Улғубекка,
Даҳо Соҳибқиронга.

Тоғ йўли — оқ-қора каттак,
Бунда Тўнга сурган от.
Бобур шоҳмат юртида ҳам,
Жанг филларни қилган мот...

Бироқ Турон қўрган эмас
Сендек ажиб ўғлонни.
Ун олтига аскар билан
Олдинг бутун жаҳонни!

Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири

ТАНИШ ЧЕХРАЛАР

Саҳна... Театр деб аталмиш улкан маданият ва маънавий маскани бутун дунёни бағрига сиқдира олиш қудратига эга. Ҳақиқий актёр саҳнада акс этган дунёда яшаш, ўша давр, муҳит, воқеа, характер исқанжасида жингиртоб бўлиб, томошабинга баҳоли қудрат мўъжиза инъом этиш дарди билан, чинакам муҳлис эса бу даргоҳда ке-чадиган "жонли мулоқот, жонли жараён"дан мутаассир бўлиш иштиёқи билан яшайди.



Зухра Ашурова ана шу мўъжиза оламига қадам қўйиб, ўзи инкишоф этган илк образни томошабини ҳукмига ҳавола этганига салкам йигирма йил бўлди. Утган давр ичнда қўллаб зуваласи пишиқ, мағзи тўқ образлар Зухра Ашурованинг кечинмалари олами орқали қалбларимизга йўл топди, шуримизда мангула муҳрлиб қолди.

Миллий академик драма театри бўсағасига илк бор қадам қўйган палла Зухра ниҳоятда ёшлиги билангина эмас, ёкимтойлиги, истараси иссиқлиги, келишимликига қизалоқлиги билан кўпчилик эътиборига тушди. Асли ана шу жиҳатларининг ўзи ярим ютуқ. Образ кечинмаларини қалб қўридан олиб ўтиш, унинг хиссиётлари, туйғуларини юрак тафтига йўрғилган ҳолда ақ эттира олиш хислати эса унга бўлган ишончини яна ҳам оширди. Зухра Ашурованинг ижодий бисотиини ҳам айни ана шу устувор фазилатлари белгилаб берди. Унсин, Раъно, Солиҳа, Лаура, Баян, Мастон... булар том маънода ижроси билан фахрланса арзигулик образлар.

"Хар бир ижодкор бот-бот ортга назар ташлаши, қилинган ишларни муҳокама чигириндан ўтказиб, камчилиқ ва қусурларини тақорламастик учун ўзига ўзи ҳисоб бериб қорилиш керак. Охир-оқибат, қилинган у ёки бу ишдан уялиб қолмаслик учун бўлажак ишларга ҳам дадил назар ташлаш олиш, муносибини қабул қилиб, номуносибидан воз кечишга журъат топа билмиш лозим", дейди актриса ўз ижодий йўли ҳақида сўзлар экан.

Зухранинг орзулари хали армон кўчасига яқин йўлагани йўқ. У келгусида томошабинларнинг ҳайрат ва ҳаяжон хиссини обдон жунбушга солиш иштиёқига яшайди. Бинобарин, ўзбекининг истараси иссиқ, истеводли қизи Зухра Ашурованинг САҲНА деб аталмиш улғу минбардан туриб айтар сўзи бисёр.

ХИСОБДАН АДАШМАЙСАН!



ХИЛ ИСТИҚЛОЛ ЙЎҚЛАМАСИ

Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Ўзбекистон Бадий академияси раиси

РАССОМ — ДАВР КЎЗГҮСИ

Мустақилликнинг қандай буюк неъмат эканлиги, унинг чин моҳиятини англаш учун кўп далил-исботлар қидириб ўтириш шарт эмас. Айтилик, Италия Уйғониш даври, Леонардо да Винчидек буюк рассом ҳақида бутун дунё яхши билади. Лекин шу билан бирга, Темурийлар даври ренессанси деган атама, Камолитдин Бехзоддек бобомиз ҳақида ҳам жаҳон кўп нарса билади. Шу вақтгача зарур адабиётлар ва дарслиқларга фақат Италия ренессанси киритилганди. Ваҳоланки, Леонардо да Винчи ва Камолитдин Бехзод даярли бир даврда яшаб ижод қилганлар, ҳар икковининг жаҳон маданиятига қўшган хиссаси бир-биридан кам эмас. Мустақиллик шарофати билан Темурийлар даври ренессанси жаҳон микёсида ўз эътирофини топомоқда. Ҳозирги кунда юртимиз тарихининг ўрганилмаган ёки кам ўрганилган саҳифаларини ўзининг ҳамда чет эллик олимлар томонидан атрафила тадқиқ этилиши натижасида асл қадриятларимиз юзга чиқмоқда, аждодларимизнинг Ватанимиз тарихидаги ҳақиқий хизматлари ўз қадрини топомоқда.

Нафақат ренессанс — уйғониш-

лар даврида, балки сиёсий талотўплар бўлиб турган пайтларда ҳам, халқ яшашда, ижодда, бунёдкорликда давом этиб келаверган, ривожланиб бораверган.

Юртбошимиз Ислом Каримов Ўзбекистон давлат тарих музеини очилишида бу ҳақда гапириб ўтгандилар. Бу гаплар барча соҳалар қатори ўзбек миллий тасвирий санъатига

Хўш, мен буларни нега айтаяпман? Гап шундаки, ҳозир баъзи ижодкорларимизда тасвирий санъат фақат гўзалликни тарғиб қилиши керак, деган тушунча шаклланиб қолган. Албатта, бу тўғри фикр, лекин унда бирқламаликка мойиллик бор. Агар фақат гўзаллик нуқтаи назаридан суратга ёндашадиган бўлсак, унинг қорин тўйдирмайди, маънавий-тарбиявий аҳамияти қавқда қолади!


Рассом ўз даври жараёнининг кўзгуси бўлиши, санъати ва ундаги фалсафаси билан юрти, халқи равақига ёрдам бериши керак. Баъзилар айтаётганидек, сурат қорин тўйдирмайди, бироқ инсоннинг асосий фазилати — маъ-

навиятини юксалтиради. Маънавиятсиз одамдан нима ҳам кутиш мумкин!

Рассом ижодкор инсон сифатида халқимизнинг бугунги муаммолари, уй-фикрлари, орзулари билан яшаш керак. Бунинг ўтган йили бир гуруҳ рассомларимиз Шоҳмардонда ижодий сафарда бўлганларида янада аниқ хис этдик. Кейинги 20 йил ичнда биринчи марта ўтказилган бу тадбирда одамлар рассомлар билан бирга яшайди, бирга ижод қилди, ҳатто битта ёш рассомиш у ердан уйланиб қайтди.

Албатта, юртимизда тасвирий санъат ва ҳайкалтарошликни ривожлантириш, ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш борасида жуда катта ишлар қилинди ва қилинмоқда. Бадий академиянинг ташкил этилиши, қисқа муддатда оёққа туриб, фаолият юритиши, келажакка пойдевор бўларли ишларнинг амалга оширилишига мустақиллигимиз тўғрисида, Юртбошимизнинг санъатни яхши тушуниши, баркамол авлод ва буюк келажак яратиш йўлидаги сарой-харакатларининг натижасидир. Кейинги йилларда мамлакатимизда бадий таълим тизимини шаклланди.

Давоми иккинчи бетда.



ЎЗБЕК САБОҲАРИ

— Этик, этик, ялтирашингни қара. Қачон йиртилсан?
— Ег биледи.

— Нима иш билан машғулсан, биродар, — деди меҳмон уй эгасидан.
— Тўрт боланинг отасиман, — жавоб берди меҳмон.

Чойхонада икки қадрдон улфат чақчақлашиб ўтиришибди. Бир пайт кўча томонда шовқин-сурон кўтарилди.

— Анави безорини қаранг, — деди улфатлардан бири, — қўринишдан туппа-тузук одамнинг боласига ўхшайди-я.
— Э-э, — деди иккинчи улфат, — ундай деманг, ахир у менинг болам-а.
— И-йи, и-йи, шундоқ девқомат ўғлингиз бор экан-у, билмаган эканмизда-а? Қаранг, худди

ЎЛГҮЗ ОДАМ

бизнинг ўғилдай савлатли-я...
— Нима, сизда ҳам ўғил борми? Ё, таваба, бир оғиз айтмайсангиз-а.
Қирқ йиллик қадрдон жўралар чойхонада чақчақлашиб ўтиришарди...

— Тўғрисиини айтинг, "Ўлғуз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмас" деган мақол қачон, қаерда пайдо бўлган? Билмай-сиз, мен ҳам билмайман. Аммо, тахминлар йўқ эмас...

Ўлғуз одам қишлоқда ҳеч қачон ёлғизланиб қолмайди. Тоғу тошга чиқиб кетса ҳам бир ҳамроҳ топилади. Ичи тўлиб "Э-э-х-е-й" деб юборса, ҳеч бўлмаганда тоғу тошлардан "лаб-ба" деган акс-садо келади.

Ўлғуз одам шаҳарда яшаса, бу музофотнинг беадоқ ташвишлари уни ўз гирдобига тортиб кетади.

Бу мақол "Олой" бозори атрофларида тўқилган бўлса, ажаб эмас...

— Қаёққа қараясан, биродар? Уёққа эмас, бўёққа қаранг. Хув, шохлари синиб, эгилиб-қийшайиб ётган дарахтни қўраясизми? Шўғил-шўғил мева тўғмай савлатини кўз-кўз қилиб тураверганида бу аҳволга тушмас эди.

"РАССАБАНК" ҲАМКОРИНГ БЎЛСА,



ХИСОБДАН АДАШМАЙСАН!

"АЛФОЗ" МИ ЁКИ "АЛПОЗ"?

... Менки турк алфозига айлаб шуруу, Назм топти табуу, илкимдин вуқуу.

Она тилимиз гаройиботларга нақадар бой. Гоҳида талаффуз қилинганда бир-бирга ўхшаб кетадиган ҳарфлар нотўғри истифода этилганда сўз маъноси бутунлай ўзгариши мумкин. Масалан, газеталарда "алфоз" сўзи кўзимизга кўп чалинади. Матндан маълум бўладики, мазкур сўз ҳолат маъносидида ишлатилган. Аслида, бу сўз "сўзлар", "иборалар" мазмунини беради. Ҳазрат Алишер Навоий шу сўзини "тил" маъносидида истифода этган:

... Шеър ҳар сифини қилдим ибтидо
Турк алфози билан топди адо.

НЕ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!

Газета ишини севадиган, бу касбнинг жамики иссиқ-совуғидан бохабар, қалам ҳақиқага остиб олинган беш-олтига қўйлақни йиртиб улгурган иқтидорли, малакали, фикрли, абжир ва сабр-бардошли, еллик-югуришдан, изланишдан чарчамайдиган, бўш-баёва мақола, шеър ва бошқа ижод намуналари муаллифларига ҳам мулойимлик билан муомала қиладиган, зарур ҳолларда лифтгача кузатиб қўйишдан эринмайдиган ижодкорларни ишга таклиф этамиз.

Ҳафтанинг дастлабки беш иш кунда улгурмаган топшириқларни шанба-якшанбада уйда, дала ҳовлида қиймага етказиб, душанба соат 10⁰⁰ гача бош муҳаррир столига қўйиш лозим бўлади. Ойлик маош: ўзингиз айтинг ва ... ўша айтганингизга яна... беш қўшин!

"ЎзАС" тахририяти

СЎЗ — ҲАЗИНА

Матн мазмунидан англашиладики, "ризолат" қабиҳлик маъносидида қўлланилган. Бу сўз нотўғри ишлатилгани шундоққина аёнлашади. Негаки, ўзбек тилида "ризолат" деган сўз йўқ. "Разолат" бор. "Ризо" сўзи эса розилиқни билдиради. Қўринадикки, биргина харф одамларни чалғитиб юборар экан.

Она тил гўзаллиги, нафислиги сўзлар ўз ўрнида қўлланган чоғда очилади. Шундай экан, ҳар биримиз сўзини тўғри истифода этишга интиласак яхши бўларди. Бу тилга хурмат-эҳтиромни ҳам билдиради.

Юлдуз АВЕЗОВА

Қисса ақшнинг ШАМОЛИ ХАЖВИЯ



Anvar Obudjon

Синоптиklarнинг навбатдаги йиғилиши давом этар, келгуси ой учун гидрометеорологик бюллетен тайёрлаш масаласи муҳожама қилинмоқда эди.

Биринчи қаторда мазкур муассасага деярли тенгдеш бўлган уч нафар тулқак ходим — Чамаев, Таваккалов ва Фолчиевлар ўтиришарди. Фолчиев ва Таваккалов ёши андан улғурок бўлган Чамаевга маънодор кўз ташлашди.

қирқта туйнук бўлсин. Бирон-бир жойда офтоб чиқсам, чиқмасам, тош ёғсам, ёғмасам, маълумотларимизга шундоқина мос келиши шарт.

Биринчи қаторда мазкур муассасага деярли тенгдеш бўлган уч нафар тулқак ходим — Чамаев, Таваккалов ва Фолчиевлар ўтиришарди. Фолчиев ва Таваккалов ёши андан улғурок бўлган Чамаевга маънодор кўз ташлашди.

да ишга келаётсам, кўзидан фаросат ёғилиб турган оқсоқол далада бир жуфт лайлакни ўз кўзи билан курганини айтиб қолди. Лайлакки шу пайтгача учиб кетмаган экан, совуқ кеч тушади.

Иккала ходим ўртасида тортишув бошланди. Бири қурбақалар кейинги кунларда ховуздан чиқмай қўйишганини пеш қилса, бошқаси чумоллар хамон инидан узоқлаб юрганини айтиб, ўзининг ҳақ эканини исботлашга тиришарди.

ЯНА ҚАЙТАЯТМАН ЎЗИМГА ЎЗИМ...

Икромжон АСЛИЙ, Андижон



Келмасанг кўнглимда қайгулар қатор, Сой бўйида мен кутарман пнгизор.

Ихтиёрим доимо илқингларлар, Лек менга йўқ сенда мулқок эътибор.

Эътиборинг жалб этолмай доғман, Ўзтириблар қилди гоёат беъмолор.

Бемадорликка ўзинг бархам бектир, Келки васлингдан бўйлай шод, бахтиёр.

Бахтиёр Аслийга қилсанг илтифот, Сенга у меҳрин нисор этгай, ингор.

Илҳом РАҲМОН, Сурхондарё



Бог ҳам файзин йўқота бошлар, Бирам дилгир, бирам паршон.

Хаёл каби тўзғийди яроқ, Яшилқидан қолмади нишон.


Тула бошлар қалбдаги бўшлиқ, Дарахт бўлмоқ жудаям қийин.

Кашф этасан ўзда кун сайин, Дарахтларга яшашнинг сирин.

Ғалаёнга тула вужуддан Бир кун рўҳинг бўлганда халос.

Умирингга ҳеч чекмасан афсус, Яшай олсанг дарахтларга хос.

Зейно НУРМАНОВА, Хоразм



Ўлканга йўқ кемалардек эргашиб, Тўтиб олдим дарёларнинг қўлидан.

Юзларига шападоқлар тортма деб, Қолиб кетдим тўлқинларнинг йўлидан.

Жарангайди сукунатнинг уйлари, Барғларига алла айтар ўрмондор.

Чарчасан гар дунё ташинларидан, Хаёт ден қўйлаб берди анҳор.

Кўнглим осмонларга бир қулиб қўйган, Бутун юлдузларнинг қалблари борам.

Мен ҳам тилакларга эргашиб юрсам, Тонгларини ҳади этарди дийдор.

Шамолларга қўлларини узатдим, Бармоғимга ўралашди тилаклар.

Дийдор сўғиниб, унга кўз тикиб, Наҳот, дуч келганим энг олий гуноҳ.


Уни сукунатта бердим кўз юмиб, Сотдим соғинчларинг ҳасратларига.

Яна кетаятман узун йўллардан, Кимнингдир ушлмас дийдори бўлиб.

Яна қайтаман ўзимга ўзим, Қорларнинг баргига баҳори бўлиб.

Тоғларда қўйладим майин садолар, Етаклаб келдилар лолақизгалдоқ.

Нилуфар УМАРОВА, Қашқадарё



Юрак сиқар, бошларан санчик, Торлик қилар кўкрак қатарам.

Мени сизга қайтариб қураш, Умид отли сўнгти нафасим.

Тун — новдаси буталган қунда, Ҳижронларнинг бағрида қўйди.

Сукунатлар ин қурган тунда, Чирилдоқни алқадим, сўйдим.

Ёстиғимга боғланди тушим, Бетизинг ўй чокини сўтиб.

Сизга учар илҳомим — қушим, Чарчамасман мен сизни қутиб.

КУЛҚУЛ АФАНДИ УЎЖУДУДАН ФАЛСАФИЙ ЗҶР ҒАЗАЛ

Энг қабих жаллодин Тангрим балки жонон айлагай, Ажал қувонни шу асно қатлин осон айлагай.

Асил ишқин яратгондин яаб қизга берса лодон, Қуйдириб ул боши хумни, қизини хумдон айлагай.

Неча гуллар ўлимга тик боқиб кўнгилли йўсинда, Усма қўйган замбаракка ўзи қурбон айлагай.

Тўйгача мўлтони барно кўрсатиб бағрини жаннат, Тўй ўтиб-ла улжасин дўзахда гўмон айлагай.

Кроссдан имтиҳон олғай сўлма-сўд чоптиргай гоҳо, Гоҳ ўйингга киритмасдан томга посбон айлагай.

Ўзи ҳар тур тўқиб жанжал ва Кулқулни этиб инпар, Сўгин дўхтирини тезоблаб, ўзи тилпон айлагай.

Миллий ЗҶР ҒАЗАЛ Қовоқ устиндаги баргдек шапка қийсам ярашмайди, Дўппи қийсам, амрикконфелл сур гўзаллар қарашмайди.

Бир тийинсиз эсим кастўм-галстўкда, этгиларга, Кўйини тиллога жам тўнда мен-ла ит ҳам сўрашмайди.

Хиром тўғлим қўриб "бар"да офисанглар қутар эҳсон, Этиқда юрганним чоғи гадолар ҳам илашмайди.

Киманого башанг тасма тақар олифта полвонлар, Агар яттакка чит белбоғ ўраб чиқсам қурашмайди.

Сўпоқ қизлар гитар ушлаб бўкўнгрондин тиллар дастхат, Дўторда "Гиря"ни айтсам, келиб тегмам ўрашмайди.

Фалсафий шәр тўқиб бармоқ қалиб бўди бўди қўлар, Кулқулий зўр ғазал ёзса, тузукроқ пул тўлашмайди.

СУҶОЛТИРИЛГАН ЗҶР ҒАЗАЛ

Боғда суўқимжоз малак хаёлга банди ўйланар, Ким сўради қанчага деб лабида қанди ўйланар.

Сонида қалта қўйлаги, оёқда тўфли ўй суриб, Шамолда ҳам қимирламай сочида банти ўйланар.

Суриштириб баҳосини, атрофида ивирираб, Чолу йигит, бою гариб, зикнаю танги ўйланар.

Бақ-бақалоқ бир пакана боқар газет бўтқасидан, Мантиқозонда тарвайиб гўёки манги ўйланар.

Тасбехини шикўрлатиб тикилди зоғ максим аго, Тил учиди ё сўкиншиш ва ёки панди ўйланар.

Қайси эшакбошга керак ўзга қаламқоч ғавоси, Уйдғисни каммиди дея Кулқул афанди ўйланар.

"УЧ" АХБОРОТУ НАҶОРИ МУЛОҚОТ Шоири Мирғўлат Мирзо наҳорги ошда газета бош муҳарририни учратиб, суҳбат мавзуини шоҳмотдан белгилади.

— Жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонгога қойилман, рақибига худди менга ўхшаб зарба берар экан, — деди беназир камтаринлик билан Мирғўлат.

Янги муҳаррир билан дастлабки мулоқотининг бошланишидан қўнгли тўлган шоир давом этди:

— Комрон Мирзо хангомаларини тайёрлаётман. Зўр чиққанлари ҳам бор. Бир саҳифа қилиб олиб келаман.

— Жуда яхши-да, — деди муҳаррир шоир тақлифини маъқулаб, — бўлиб-бўлиб чоп этсак, бир-икки йилга етади.



Шайхон МУЗАФФАР ўғли шўғрини расмлар



Жаббор акани Худо урди: бугун олган машина ичиб қўйди. Аслида у яққою ағона қизи — Заҳронинг турилган қунига маржон шодасини сотиб олиб совага қилмоқчи эди. Афсуски, ҳаммаси чапасига кетди.

Жаббор ака йўлак чеккасидиги ёғоч ўриндикка беҳол қўчиб чуқур нафас олди. Теварағига маънос қўлиб қаради.

Кўёш сўнгги шуълаларини шаҳар устидан шоша-пиша йиғиб олмақда. Баланду паст иморатлар хурлайиб қўринадди. Кенг йўлда машиналар серкатнов. Бекатларда йўловчилар сийрақ.

Унинг қўнгли гашланди. Тамом... ҳаммаси тамом. Энди хотинимга нима дейман... қизганимнинг юзига қандай қарайман, деган ноҳуш ўйлар унинг ич-ичини аёвсиз тимдалар эди.

Жаббор ака аллақандай қўшма қорхонага қарашили оморда юк ташувчи бўлиб ишлайди. Машидан нолийдиган жойи йўқ. Гоҳ-гоҳ хатто мулофот пули ҳам бериб туришади.

Бирок аллақандай элик ёшини ҳаётлаб ўтган, сочлари сийраклашиб, қулоқ оқ аралашган бу ички тоғсан-тўтганини у ойдан бо ойга араб етказди. Сабоби унинг ўзиди одийди: у ичкиликка ружу қўйган. Кун ора уйига гандирақлаб, сударилаб кириб боради. Хотини аввал-бошда уни анча жерқийди-ю, кейин ювиниб-чайинишига, ўрнига ётишига қўмақлашади.

Жаббор ака хотинининг меҳрибончилиқларидан жуда жиҳолат бўлади. Унинг қўнгида шишадеш жўраларининг аёлларига ўхшаб тонг отгунча айёхоннос солиб, қарабини чиқишини истади. Жаббор ака, айниқса, қизи Заҳронинг олдига ўзини жуда ноқулай сезади, уялади. Ота бўлиб яққою ягона фарзандининг қўнглини қораклиғича овлангандан кўнглини, қораклиғича меҳр-муҳаббат қўрсата олмаётганидан ўқинади. Шундай кезлари озгина бошқа ичкилик олмастикка ўзига қўса берарди, қўларини мушт этиб, тиш қайради. Бирок, ораддан уч-тўрт кун ўтмасданқо яна уйига чайқалганча кириб келаваради.

Бўгун эрталаб у ўзгача бир кайфият билан ишга отланди. Ахир қизининг туғилган кунини. Захро ропла-роса ўн саккизга туялти! Унга бир яшироқ совага қилмас бўлмайдик, ахир?! Пул масаласи хал: бугун маош олади.

Жаббор ака ишга отлана-отлана хотинига Заҳронинг турилган қунига маржон шодаси совага қилмоқчи эканини беихтиёр айтиб қўйди. Хотини мамун-манун жилмайди. Отасининг нияти қўчир: қулоғига чалинган Захро қувондан ял-ял янхари.

Бирок... Йўлак чеккасидиги ёғоч ўриндикда букчайибгина ўтирган Жаббор ака чуқур тин олди. Қоп-қора, ориқ юзлари аламдан баттар қорайиб кетгандай бўлди. У соқоллари тиканкадай ўсган иякларини асабий қашлаб, бугун бўлиб ўтган воқеаларни бир-бир кўз олдидан ўтказди.

Маош олган, бошлиқларнинг кўзини шамғалат қилиб қўчага отилди. Юраги то-

шарди унинг. Марказдаги олдилари ойнаванд, серхашам магазин томон жўнади. Худди шу дўконда у маржон шодасини қўрган. Анчадан бери шу ғалаати матоҳдан қизига совага қилишни дилига туккан. Афсуски, бу ниятига шу пайтгача эриша олмаган. Аммо энди ҳеч бери баҳона кетмайди. Пул бор, ният бор, сабаб бор: туғилган кун...

Жаббор ака ҳовлиқанча борарди. Аммо қатта чорраха бижинидаги хар бир тош-кемагигача ўзига таниш ичимликлар дўкончаси лар сийрақ.

Унинг қўнгли гашланди. Тамом... ҳаммаси тамом. Энди хотинимга нима дейман... қизганимнинг юзига қандай қарайман, деган ноҳуш ўйлар унинг ич-ичини аёвсиз тимдалар эди.

Жаббор ака аллақандай қўшма қорхонага қарашили оморда юк ташувчи бўлиб ишлайди. Машидан нолийдиган жойи йўқ. Гоҳ-гоҳ хатто мулофот пули ҳам бериб туришади.

Бирок аллақандай элик ёшини ҳаётлаб ўтган, сочлари сийраклашиб, қулоқ оқ аралашган бу ички тоғсан-тўтганини у ойдан бо ойга араб етказди. Сабоби унинг ўзиди одийди: у ичкиликка ружу қўйган.

Кун ора уйига гандирақлаб, сударилаб кириб боради. Хотини аввал-бошда уни анча жерқийди-ю, кейин ювиниб-чайинишига, ўрнига ётишига қўмақлашади.

Жаббор ака хотинининг меҳрибончилиқларидан жуда жиҳолат бўлади. Унинг қўнгида шишадеш жўраларининг аёлларига ўхшаб тонг отгунча айёхоннос солиб, қарабини чиқишини истади.

Жаббор ака, айниқса, қизи Заҳронинг олдига ўзини жуда ноқулай сезади, уялади. Ота бўлиб яққою ягона фарзандининг қўнглини қораклиғича овлангандан кўнглини, қораклиғича меҳр-муҳаббат қўрсата олмаётганидан ўқинади.

Шундай кезлари озгина бошқа ичкилик олмастикка ўзига қўса берарди, қўларини мушт этиб, тиш қайради. Бирок, ораддан уч-тўрт кун ўтмасданқо яна уйига чайқалганча кириб келаваради.

Бўгун эрталаб у ўзгача бир кайфият билан ишга отланди. Ахир қизининг туғилган кунини. Захро ропла-роса ўн саккизга туялти! Унга бир яшироқ совага қилмас бўлмайдик, ахир?! Пул масаласи хал: бугун маош олади.

Жаббор ака ишга отлана-отлана хотинига Заҳронинг турилган қунига маржон шодаси совага қилмоқчи эканини беихтиёр айтиб қўйди. Хотини мамун-манун жилмайди.

Отасининг нияти қўчир: қулоғига чалинган Захро қувондан ял-ял янхари.

Бирок... Йўлак чеккасидиги ёғоч ўриндикда букчайибгина ўтирган Жаббор ака чуқур тин олди. Қоп-қора, ориқ юзлари аламдан баттар қорайиб кетгандай бўлди. У соқоллари тиканкадай ўсган иякларини асабий қашлаб, бугун бўлиб ўтган воқеаларни бир-бир кўз олдидан ўтказди.

Маош олган, бошлиқларнинг кўзини шамғалат қилиб қўчага отилди. Юраги то-

шарди унинг. Марказдаги олдилари ойнаванд, серхашам магазин томон жўнади. Худди шу дўконда у маржон шодасини қўрган. Анчадан бери шу ғалаати матоҳдан қизига совага қилишни дилига туккан.

Афсуски, бу ниятига шу пайтгача эриша олмаган. Аммо энди ҳеч бери баҳона кетмайди. Пул бор, ният бор, сабаб бор: туғилган кун...

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Маданият Ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси

O'zbekiston adabiyoti va san'ati Manzilimiz: Toshkent - 700083, Matbuotchilar kuchasi, 32

Бош муҳаррир Ахмаджон МЕЛИБОЕВ Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтариб бериб берилмайди.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН Маданият ишлари вазирлиги Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Х.Жўраевага онаси